



ЎРТА ОСИЁ ХАЛҚ ЭРТАК ВА АФСОНАЛАРИ РЕМИ ДОР ТАЛҚИНИДА

*Насирдинова Ёрқиной,
АнДУ ўқитувчиси*

Калит сўзлар: эртак, такрорланма, афсона, таржима.

Француз этнографи, таржимони Реми Дор тадқиқотчи сифатида Ўрта Осиё ва кўшни Шарқ давлатларида яшовчи халқлар фольклорини ўрганар экан, унинг жозибасидан, бетакрор эртак ва дostonларидан француз халқини бахраманд қилишдек улуғ ишга қўл урди. У таржима қилган «Aux origines du monde» (Дунёнинг яралиши ҳақида) таржима тўплами 2 китобдан иборат:

1. Ўрта Осиё халқ эртак ва афсоналари [1].

2. Турк халқ эртак ва афсоналари [2].

“Ўрта Осиё халқ эртак ва афсоналар”и китоби кириш, асосий боблар, сўнги сўз, манбалар, изоҳли луғат ва мундарижа қисmlаридан иборат. Реми Дор дастлаб кичик хажмдаги ҳикоя ва афсоналар таржимасини жойлаштиради. Сабаби, китобни ўқишга киришган китобхон бирдан катта сюжетли асарни ўқишга киришиб зерикиб қолиши мумкин, ёки умуман уни ўқишга вақт тополмаслиги мумкин. Бу ҳақида таржимон шундай дейди: «Мен китобчамни тузишда педагогик нуқтаи назардан эмпирик тарзда туздим. Ҳикояларим худди кутиш залида поезд ёки яхши кўрган инсонини ёхуд метро кутаётган кишига, берилган кредитни қайтариб олишга ошиқаётган банк сингари инсонларга мўлжалланган. Чунки ҳозирги даврда ҳамма қаёққадир шошган, бўш вақтлари эса жуда кам. Мана шу оз вақт ичида ўқувчи битта эртак ўқиб чиқиши мумкин». Қолаверса, ҳозирги даврда чет тилларни ўқитишнинг коммуникатив усулларида, мактабдаги дарсларда, синфдан ташқари ўқишларда ҳам тарбиявий мақсадларда фойдаланиб, ўқувчиларнинг оғзаки нутқини оширишда фойдаланиш мумкин. Ўқувчиларда пайдо бўладиган бўшлиқлар ҳар хил бузғунчи ғоялар билан эмас, балки мана шу

эртакларда яширинган миллат, элатлар тарихини ўрганиш, улар орқали болаларга эзгу фикр, эзгу амал ғояларини сингдириш каби мақсадлар кўзда тутилган. Кундалик турмуш ғалваларидан чарчаган, ҳаётнинг турли машмашаларидан тушкунликка тушиб қолган инсонга ҳам қандайдир маънавий озуқа керак бўлади. Мана шу маънавий озуқани муаллимимиз сеҳр ва ҳақиқат қоришган эртаклардан излашни таклиф этади. Таржима тўплами учун сараланган эртаклар эса бироз аввалги, Ўрта Осиёда 2000 минг йил илгари пайдо бўлган турк-мўғул дунёсидан олинган.

Француз тилида эртак сўзи “conter” - “yor” феълнинг кейинчалик от шаклидаги “yom” сўзига айланишидан ҳосил бўлган ҳамда “изоҳли қолип (формула)” маъносини англатади. Яна бир нарсага аҳамият бериш керакки, эртакларда сеҳр-жоду, ноинсоний кучлар учрайди. Шу жиҳатдан келиб чиқиб, тувинлар “нўл”-аҳамиятли ҳикоялар, хакас эртаклари “нарпакс”- сеҳрли ҳикоялар каби атамалардан фойдаланадилар. Туркий тилларда эса мазкур ҳикоялар, лотинча айтганда “in illo tempore”- *қадимги дунё* бирикмасидан келиб чиққан. Масалан, қозоқ тилида “эртеги”, ўзбек тилида “эртак” сўзлари “илгари замон ҳикояси” маъносини беради. Марказий Осиёга келсак бирвақтнинг ўзида тибетлар «*лдеъу*» - эртак, мўғуллар эса «*улигер*»- «*enigme*» (муаммо – яширинган ном ёки ҳарф) атамаларидан фойдаланадилар. Франциядан бир қадам нари Грецияда эса «энос» (ainos) – эртак, аниқ (recit clair) ҳикоялар, атамаси “*ainigmos*” (энигмос) – муаммо, мавҳум ҳикоялар атамаси билан бир қаторда ажралган ҳолда ишлатилади. Бироқ юқоридаги изоҳлар эртакларнинг келиб чиқишига етарли маълумот бўлмайди. Шунинг учун Реми Дор



муаммонинг ечимини топиш учун Радлов, Коксвелл, Боратовлар каби оғзаки ижод намуналари устида тадқиқотлар олиб борган машҳур олимларнинг илмий ишларига мурожаат қилишни маслаҳат беради.

Реми Дор ўқувчининг диққатини яна бир нарсага тортади: эртақ бошланмаси ва якунига туркларда “*текерлеме*” – такрор, айланма (roulement) деб аталган қисм русларда “*приказки*” номи билан юритилади. Улар икки вазифани бажариб келган. Биринчиси, тингловчининг диққатини жалб этиш бўлса, иккинчиси ўтмиш ва ҳозирги замон оралиғидаги мавҳумликни, тугунни ечиш бўлган. Такрорлар ҳар бир халқ эртақларида учрайди: французларда “*jadis de jadis*”, “*quand ce qui existe n'existe pas*”, “*dans le temps d'avant*”, “*dans le temps jadis*”, рус эртақларида “*давным-давно*”, “*Когда-то что было не было*”, “*в прошлые времена*”, “*в давние времена, когда ...*”, ўзбек-туркий эртақларда эса “*қадим замонларда*”, “*бор эканда, йўқ экан. Оч эканда тўқ экан. Бўри баковул экан, тулки ясовул экан. Қарға қақимчи экан, чумчуқ чақимчи экан...*”, “*ўтган замонда*”, “*бурунги замонда*” каби формула-такрорларни учратамиз. Улар чиндан ҳам нафақат кишини ўзига жалб этади, балки эртақларга ўзига хос жозиба, поэтик руҳ бағишлайди. Эртақларнинг ниҳояси эса оддийгина “*мана*”, “*шу билан эртагим тамом*”, “*омин*” каби қисқа жумлалар билан якунланган. Шунинг учун улар тадқиқотчиларнинг эътиборидан четда қолган. Эртақчилик анъанасига келсак, у қадимда ўтроқ халқларда кенг ривожланган. Сеҳргар, турк маддоҳлари кўчама-кўча извошларда кезиб юрганлар. Извошлар ранг-баранг, ҳаёт манзаралари тасвири туширилган расмлар билан безатилган. Мавзунини чуқурроқ ўрганишга қизиққан ўқувчиларга Реми Дор қатор илмий адабиётлар рўйхатини келтиради [1, 89].

Қириш қисмида шарқшунос олим Ўрта Осиё халқларининг тарихига бироз тўхталиб ўтади. «Асрлар давомида аввал Хитой империяси, сўнг Рус босқинчилари кўл остида қолиб, уларнинг урф-одатлари

билан ўзлиги қоришиб кетган халқлар яшаётган мазкур ям-яшил текисликда илгари массагетлар, иседон, аримаспер ва даис қабилалари яшаб ўтган. Энг қадимги даврда эса икки шохли Искандар Зулқарнайн пўлат қиличи билан биргаликда бу заминга юнон эстетикасини олиб келди. Кейинчалик бу ерларга Усмонли турк, Чингизхон бошчилигидаги мўғул, хун каби босқинчи кўчманчи қабилалар кўчиб ўтиб Ўтрор, Тароз ва Шош каби шаҳарларни барпо қилдилар. Афсоналар, эртақлар, ҳатто шўх болаларни кўрқитувчи мавжудотлар сирасига кириб келган мазкур кейинги халқ авлодлари ҳозирги даврда ҳам Ўрта Осиё заминиде яшаб келмоқдалар. (Афғонистоннинг Бадахшон водийсида яшаб юрган имда бир она боласига агар жим ўтирмаса Чингизхонни чақиритишни айтиб кўрқитган эди). Бу оғир бўлса-да ҳақиқат. (Диёримизнинг баъзи худудларида ҳам Чингизхон авлодидан бўлган Жўжининг номи билан болалар кўрқитилган. Вақтлар ўтиши билан Жўжи номи Бўжи номига ўзгариб, ҳозиргача халқ орасида ишлатилади,- Ё. Н). Бироқ аждодлар сўзлари жаҳон янги маданиятшунослари томонидан ўзгартирилмасдан аввал, уларнинг овозларини тўсиксиз даладашлардан ўтиб шаҳар марказларига етказмоқчиман. Мен барчани мазкур эртақларнинг виртуал-асл оламига таклиф этаман. Улар ҳеч ўзгармаган, фақат улар энди озарбайжон, қозоқ, чор, уйғур халқлари эртақлари деб номланган, холос. Бу ҳолат кинофильмда ролни қойилмақом қилиб ўйнашга ўхшайди. Узоқ ўтмиш яқин келажакка ва келажак эса узоқ ўтмишга ўхшайди. Мен эслатаётган эртақлар овози ажойиботлар ва соддалик ташувчилари бўлиб, оламнинг, халқларнинг пайдо бўлиши ҳақида гапирадилар ва ниҳоят, ҳеч бир эртақ, афсоналар дунё халқлари маданиятига, халқлар эса бир-бирига бегона эмаслигини эслатади» [1, 5].

Таржима тўпламига киритилган эртақлар 3 бобга бўлинган. 1-бобни этиологик эртақ ва афсоналар (Contes étiologiques) ташкил қилади. Мазкур эртақларда қадимги кўчманчи халқлар



ўтроқ хаёт кечирган қабилалар билан, шаҳарлик омма эса чўл ва дашт аҳолиси билан қиёсланади. Қозоғистон, Олтой каби Марказий Осиё тоғ ҳамда адирларида уй ҳайвонларининг пайдо бўлиши (*Origine des animaux*) ҳақидаги 7 эртак қозоқ ва қирғиз халқ эртаклари асосида таржима қилинган [1,93]. Ўзбек, уйғур, озарбайжон, татар халқларида жой, буюм ва сўзларнинг этимологиясига (*Origine des lieux, des choses et des mots*) оид 24 эртак олинган манбалар рўйхати китобнинг 195-196 саҳифаларида келтирилади.

Кундалик ҳаётимизда учрайдиган воқеа-ҳодисалар асосида яратилган эртак ва афсоналар. 2-бобда берилади «Оддий эртаклар» (*Contes ordinaires*). Уларда ҳам Озарбайжон қирғиз, турк каби халқларнинг урф-одатлари, кундалик ҳаёти билан танишасиз. “Бу ерда сиз одамий фазилатли ҳайвонларни ҳамда ҳайвоний қиёфадаги одамларни учратасиз. Афсуски, кундалик ҳаётимизда уларни ҳар қадамда учратамиз”. Ўтроқ шаҳарликлар ҳаёти уйғурлар орқали, кўчманчилик эса қирғиз эртаклари орқали намоён бўлади. Мазкур бобни таржимон кичик ёшдаги болаларга тузганлигини таъкидлаб ўтади. Кўчада бир-бири билан олишиб, ўйнаб чарчаган бола бир дақиқага дам олганда мана шу эртаклар унга жуда қўл келади.

Машхур Афанди ҳақидаги латифалар 3-бўлимни ташкил қилади. Мазкур бўлим 3 қисмга бўлинади. Ўзбек, уйғур ва қирғиз халқларида Афанди қиёфаси келтирилади. Қаҳрамон исми турли халқларда турли номлар билан машхур бўлган. Афанди номи эса Туркияда машхур бўлиб, одоб-ахлоқли, юқори табақага мансуб, ўқимишли каби маъноларда қўлланилган [1, 189]. Аслида эса *афанди* сўзи юнонча [*authentikos*] –юқори сўзининг Туркияда талаффузи ўзгаришидан келиб чиққан. Шунга асосланган ҳолда қаҳрамон келиб чиқиш илдизлари Юнонистонга бориб

тақалади. Туркияда Насриддин Кўса, араб халқларида Хўжа Насриддин, қирғиз эртакларида Алдар Кўса, ўзбек латифаларида эса Насриддин Афанди номи билан юритилади. Умуман олганда, исмидан қатъи назар барча халқлар оғзаки ижодида, Силенлик Флотдан тортиб, Сервантеслик Санчо Панчогача, қаҳрамонимиз юмалоққина, семизгина, ўз эшагига минган ҳолда қайта-қайта намоён бўлади. У баъзан ижобий, баъзан эса салбий фазилатга эга. Асосийси эса у эпчил, ҳар қандай вазиятдан уздабуронлик билан чиқиб кетади, доимо ҳозиржавоб. Насриддин Афанди ҳақида кўпроқ билишни хоҳлаган китобхонларга муаллиф V.A. Vesselski, *Der Chodscha Nasreddin* (Хўжа Насриддин ҳақида) Weimar, 1911 манбасини тавсия этади.

Сўнгги сўз сифатида Реми Дорнинг китоб тузишдан мақсади, унинг бўлимлари, баъзи сўзларнинг этимологиясига тўхталиб ўтиш. Тўплам яратишда фойдаланилган манбалар рўйхати китобнинг 193-196 бетларини эгаллайди. Рўйхат мундарижага асосланиб, ҳар бир эртак олинган китоб номи ва у жойлашган саҳифа келтирилган. Масалан: мундарижада 1-эртакимиз рўйхатнинг бошида келган:

1. Les animaux domestiques. *Xaywanattarturali qazaqertegileri*, Almati, 1979, p.41.

Атоқли ва турдош отлар изоҳли луғатида Реми Дор алифбо тартибидаги сўзларни илк бор учраган жойи ва сўзнинг маъносини изоҳлайди:

AAigle-Geante 161: équivalent turk du Garuda indien ou de l'aiglede Ganymede aoul 53: campement par opposition au vilage

Шундай қилиб Реми Дор Ўрта Осиё халқлари тарихи ва оғзаки нутқида оид яна бир қўлланма яратди.

Адабиётлар:

1. DOR Rémy. Contes et légendes de Centre-Asie. Editions Flies France. Collection : Aux origines du monde. Paris. 2000.
2. Contes et légendes de Turquie. Editions Flies France. Collection : Aux origines du monde. Paris. 2002.



Насирдинова Ё. Легенды и сказки народов Средней Азии в переводах Реми Дора. В статье анализируются переводы народных сказок и легенд Средней Азии осуществлённые французским этнографом Реми Дор. В статье приводятся примеры из значальных клише народных сказок. А также, приводятся небольшие рассказы о Насреддин-афанди и его именах в других народах мира.

Nasirdinova Yo. Folk tales and legends of Middle Asia in Remi Dor's interpretation. The article is about translations of tales and legends of Central Asia by French ethnographer Remy Dor, their special characters, a role of Nasriddin Afandi in the world folklore.
